ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Соатова Гулбахор Камоловна

БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Методик қўлланма

(Техника олий таълим муассасаларининг бакалавриат Касб таълими йўналишлари учун)

ЖИЗЗАХ-2011

Тақризчилар; Бухоро ОО ва ЕСТИ “Педагогика ва психология” кафедраси мудири п.ф.н. **А.Х. Ғаффаров**
Жиззах ПИ доценти …….

Ушбу методик қўлланма бакалавриат касб таълим йўналишларига дарс берадиган профессор ўқитувчилар, магистрлар ва аспирантлар, тадқиқотчила ва методистлар учун мўлжалланган бўлиб, унда талабаларда педагогик маҳоратни шаклллантириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш методикаси, тавсиялар баён этилган.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда таълим - тарбия мазмунининг янгиланиши натижада ўқитишнинг янги технологиялари, шакллари, усуллари ва воситалари амалда жорий этила бошланди, Шунингдек миллий урф – одатлари ўқув – тарбия жараёнига фаол кириб бормоқда. Бу ўзгаришлар эса ҳар бир бўлажак ўқитувчини янгича фикрлашга, шарқона иш юритишга, мустақил фаолиятни ташкил этиш ҳамда юксак маънавиятли бўлишга даъват этади.

Президентимиз И.А. Каримов ўзларининг "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида таъкидлаганларидек " халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққкан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш- таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим".

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун педагогика соҳасида мустақил фикр юритадиган, юксак маънавий – аҳлоқий салоҳиятга эга бўлган ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг педагогик маҳорати ва малакасини ривожлантиришнинг замонавий методикалари, шакллари, усуллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунингдек, Республикамизнинг ижтимоий – иқтисодий, сиёсий – маданий ва маънавий ҳаётида рўй бераётган ҳодисалар, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб бораётган ислоҳотларни жадаллаштиришни талаб этмоқда. Бу ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим шартларидан бири малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ таълим жараёнини такомиллаштириш ва ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини ривожлантиришдир.

1.Каримов И.А . Юксак маънавият - енгилмас куч.–Т.: Маънавият,2008.-173 б.

Бугунги кунда ахборотлар оқимининг кўпайиши, илм ва фан тараққиётининг жадаллашуви, техника ва технологияларнинг ўзгариши педагогик – психологик ва методик, тайёргарликнинг маълум даражада “эскириши”га олиб келди. Бу эса ўз навбатида таълим ва тарбия билан шуғулланувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ривожлантиришга эътиборни қаратиш муҳимлигини тақозо этди. Ушбу талабларни амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, касбий ва педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги методика ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этишдир.

Техника олий ўқув юртларида биргина касб таълим йўналишларида ўқитиладиган “Педагогик маҳорат” фанини ўқитиш билан юқоридаги келтирилган замонавий таълим талабларини ҳал қилиш мураккабдир. Педагогик маҳорат” фани бўлажак педагогларда педагогик моҳирлик ва ижодий, кўникмаларини ҳосил қилиш, муомала маданияти, педагогик техника малакаларини, шунингдек тарбиячилик маҳоратининг дастлабки малакаларини шакллантиради. Аммо “Педагогик маҳорат” фанини ўрганиш жараёнида талабалар ўқитиш жараёнини мустақил ташкил этиш, педагогик ижодкорлик, илғор педагогик технологияларни мустақил ўзлаштириш ва амалда қўллаш, касбий маҳоратни шакллантириш ва ниҳоят уни такомиллаштиришга интилиш, керакли маълумотларни ва ахборот(билим)лар, мустақил излаш, топиш ва тўлдириб бориш каби қобилдиятларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларини тўлақонли ҳал қилиб бўлмайди.

Замонавий ўқитувчи асосий вазифаси ёш авлодни келажак меҳнат фаолиятига тайёрлаши, касб – ҳунар эгаллашларига ва мустақил фаолият юритадиган юқори малакали кадр бўлиб етишига кўмаклашиш ҳисобланади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратга эга бўлиш, талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг мақбул йўлларини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади.

Ушбу методик қўлланма бўлажак касб таълими ўқитувчилари педагогик маҳоратларини шакллантиришга йўналтирилган машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишга методикасига бағишланган.

1. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Ҳар бир бўлажак касб таълими ўқитувчисини замон билан ҳамнафас бўлиш, ёшларни тарбиялаш дарди билан яшаш ва келажакни аниқ кўришга ўргатиш зарур. Бу ҳар бир педагог шахсида жамиятнинг долзарб муаммоларини, мақсад ва вазифаларини тасаввур қилиш, уларни аниқ бажариш учун бор имконияти, билими, тажрибаларини ишга солишга йўллайди ҳамда ўз фаолиятига ижодий ёндошиш қобилиятларини ривожлантиради.

Демак, бўлажак касб таълими ўқитувчисига шакллантириладиган фазилатлар, қобилиятлар, малакалар албатта уларда педагогик маҳоратни шакллантирилиши ва ривожлантирилишига боғлиқ.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиси педагогик маҳорат тушунчасининг моҳият-мазмунини билиши, унинг барча компонентлари уларнинг бирлиги, изчиллигини таъминлаш тўғрисида маълумотга эга бўлиши керак. Чунки уларнинг бирини ўзгариши, табиий ҳолда иккинчисининг ўзгаришига олиб келади. Педагогик маҳорат тўлақонли мазмунга эга бўлмай, уни эгаллаш қийин бўлиб қолиши мумкин.

Касб-хунар таълим муассасаларида педагогик махоратини ривожлантиришга интилмайдиган битта хам педагог бўлмаса керак. Педагогик махорат ўқитувчида маълум тажриба асосида ривожланади. Чунки педагогик тажриба ва педагогик махорат ўзаро боғлиқ бўлса хам, турли тушунчалардир. Кўп йиллар давомида педагогик фаолият билан шуғулланаётган ишнинг шахсий тажрибасига кўра педагог анча даражада муваффақиятга эришдим деб хисоблаши, унинг фаолияти ўзини қониқтириши мумкин, бироқ педагогик махоратнинг ўзи бўлмаслиги ҳоллар ҳам учрайди.

Шунинг учун ҳам биз педагогик маҳоратга эга бўлган касб таълими ўқитувчисининг педагогик тажрибаларини ўрганишга диссертациянинг 3 бобида алоҳида тўхталдик.

Педагогик фаолият педагоглар олдига ҳар куни, ҳар соат янги масалаларни қўйиб, уларни ўз билимлари, тажрибаси, педагогик маҳоратига таяниб ҳал этишга тўғри келади.

Педагогик маҳорат – ўқитувчининг доимо такомиллаштириладиган ва юксак даражадаги таълим ва тарбия санъатидир. Педагогик маҳорат тушунчаси кўп қиррали бўлиб, ушбу соҳадаги ҳар бир изланувчи ўқитувчи фаолиятининг аниқ ҳолатларини кўриб чиқади ва педагогик маҳорат таъсирини ёритиб беради.

Педагогик фаолият қирралари алоҳида хусусиятлари билан аниқланмайди. Педагог шахси педагог фаолиятли амалга ошириш шарти сифатида қаралади. Педагогик фаолият тарбия, таълим,талабалар фаолиятини бошқариш каби йўналишлар амалга оширилади ва ҳар бирида педагогик маҳорат кўринади.

Педагогик маҳорат манитиқий тушунчада “билим-тажриба-шахс” кўринишида ёзилади.

Педагогик маҳорат ўз ичига билим ва интуицияни илмий асосланган бошқарувли, таълим ва тарбия жараёнидаги қийинчиликларни енгиш, талаба шахсига ҳурмат билан ёндашувни,ижодий фаолиятни,илмий таҳлил ва тасаввур қилиш қобилиятларини олади.

Педагогик маҳоратни ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида тадқиқ қилган олим К.Зарипов, педагогик маҳоратнинг мазмунини “Илғор педагог”, “Ижодкор ўқитувчи”, “Новатор педагог” кесимида қарайди ва уларнинг мазмун-моҳиятини шундай таърифлайди. “Илғор педагог” аввало бошқа ўқитувчиларга қараганда ўз ишига масъулият билан қарайди. Шу соҳадаги ижобий тажрибаларни ўрганиб, ўз дарсларида, таълим муассасасидан ва гуруҳдан ташқари тарбиявий тадбирларда қўллайди. Шу орқали у ўқитувчиларнинг таълим ва тарбиясида муайян ютуқларни қўлга киритади.

Баъзи ҳолларда “Ижодкор ўқитувчи” билан “Илғор педагог” даги хусусиятлар бўйича фарқлар бўлиши мумкин. Илғор педагог мавжуд манбалардан янгиликларни ўрганиб, шулар асосида таълим-тарбия жараёнида муайян ишларни амалга оширса, ижодкор ўқитувчи бор манбаларга танқидий кўз билан қараши ҳам мумкин.

Демак, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ҳам илғорлик ҳам ижодкорлик қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ўқитувчи педагогик маҳоратини “Ўқитувчининг ахлоқий шаклланиши” йўналишида тадқиқ қилган профессор М.Очилов педагогик маҳоратни эгаллашнинг муҳим асоси ахлоқ деб таъкидлаб, уни шундай таърифлайди “Фаолиятнинг маълум бир соҳаси билан шуғулланувчи кишиларга тааллуқли ахлоқий нормалар, талаблар ҳам бор. Бундай ахлоқ касб ахлоқи дейилади. Хар бир жамиятда ҳукмрон бўлган ахлоқ билан касб ахлоқи ўртасида маълум бир муносабат мавжуд. Бу умумийлик билан хусусийлик ўртасидаги муносабатдир. Касб ахлоқи умуминсоний ахлоқ назариясининг қоидалари ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради, ойдинлаштиради ва ривожлантиради”.

И.А.Зязюка фикрича педагогик маҳорат ўқитувчининг касбий фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлайдиган шахсий фазилатлари мажмуидир .

Н.В.Кухарев таъкидлашича педагогик маҳоратни шахснинг педагогик-психологик тайёргарлик даражасини, педагогик вазифаларини оптимал ҳал қилиш қобилиятини белгиловчи хусусиятлари йиғинди сифатида қараш мумкин. Бу ерда педагогнинг дастурлаштирилган шароитида педагогик вазифани ечиш ва жорий этишга қаратилган ақлий ҳаракат тушунилади.

Педагогик маҳорат - бу ўқитувчи – тарбиячининг шундай **шахсий** (болажонлиги, хайриҳоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва **касбий** (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологик ва методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам юксак педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун бўлажак ўқитувчи ўз фанини замонавий таълим талаблари асосида яхши билиши, педагогика, психология, методиканинг асосий қонуниятлари тамойиллари ва методларини мукаммал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий – ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.

Педагогнинг маҳорати унинг ташкилотчилик, тарбиячилик ва устозлик функцияларини бажариш қобилиятида кўринади.

Талабага таълим ва тарбия беришда ўқитувчи ўзининг методикасига бўлиб, методикада аниқ бир технологик функцияни бажаради. Қайси метод машғулотнинг кириш қисмида, яъни талабаларни қизиқтириш ва фаоллаштиришда, иккинчиси етакчи функцияни бажаришда, аниқ бир топшириқни ёки вазифани бажаришга, учинчи гуруҳ методлар эса талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказишда қўлланилади.

И.Б.Баткина фикрича педагогик маҳорат бу педагогнинг муомала услуби, нутқ маданияти, нотиқлик санъати педагог қиёфаси,унинг интеллектуал қобилиятидир. Ҳақиқатда ҳам, педагогик маҳорат ўз ичига кўп жиҳатларни қамраб олади.

Бизнинг фикримизча **педагогик маҳорат – бу педагогик жараённи лойиҳалаш самарали ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш, натижаларни баҳолаш ва уни рўёбга чиқариш технологияси, шунингдек, педагогик жараёнда вужудга келиши**

мумкин бўлган муаммоли вазиятларни олдиндан кўра билиш ва уларни ҳал қилиш учун тайёр бўлиш методикасидир.

Педагогик маҳоратни мақсадлар мажмуи сифатида қаралиб, ҳар бир мақсадга эришишда педагогик маҳорат ошиб боради. Баъзи ҳолларда тадқиқотчилар ва олимларнинг педагогик маҳорат тузилмаси ҳақида турли фикрлари мавжуд.

Педагогик маҳорат асослари - бу фундаментал билимлар бўлиб, унинг асосида педагогик маҳорат педагогик ҳодиса сифатида қурилади. Шунингдек педагогик маҳоратни ўқитувчининг таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва ўтказишдаги фаолиятлари хусусиятлари йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Бу хусусиятларга педагогнинг қўллайдиган метод ва қоидалари киради.

Педагогик маҳоратни шакллантиришни илмий-назарий асослари яна бир рус педагоги В.А.Сластёнин томонидан тадқиқ қилинган. У педагогик маҳорат тўғрисида фикр юритиб, шундай ёзади: - “Ўқитувчи мунтазам равишда педагогик назарияларга таянсагина, ўқитувчилик маҳоратини эгаллайди. Чунки, педагогик амалиёт доимий равишда педагогик назарияга мурожаат қилишни тақозо этади. Биринчидан, илмий назариялар – тараққиётнинг умумий қонуниятларини, тамойилларини, қоидаларини акс эттирувчи илмий билимлардир. Амалиёт бўлса, доимо аниқ вазиятга асосланади. Иккинчидан, педагогик фаолият – фалсафа, педагогика, психологияда оид билимлар синтезига асосланувчи яхлит жараёндир. Бу билимлар синтезисиз педагогик амалиётни мақсадли қуриш жуда мушкул” . Демак, юксак педагогик маҳоратга эгаси бўлиш учун педагогик фаолиятни тўғри ва мақсадли ташкил қилишга қаратилган илмий-назарий маълумотларга эга бўлиш талаб қилинади.

Педагогик маҳорат тузилмасининг компонентлари қуйидаги касбий кўникмаларни ўз ичига олади:

- таълим ва тарбия мақсадларига оптимал эришиш учун ўқиутвчида касбий ва шахсий фазилатларни шакллантирилганлиги;
- таълим ва тарбия бирлигини амалга ошириш кўникмаси;
- дидактик ва тарбиявий тамойилларини амалда жорий этилиши;
- таълим методлари ва воситаларини амалда қўллай олиш кўникмаси;
- муомала маданияти: гурухнинг ички таркибини ва ривожланиш босқичини билиши;
- талабалар билан расмий ва норасмий мулоқотларда уларни ўзига жалб қила олиш қобилиятига эга эканлиги, талабаларда педагогик муомала техникасини ривожлантириш.

Педагогик маҳорат таркибини қуйидаги 2 та кичик системага ажратиш мумкин:

- мантиқий-педагогик системаси, бу ўз ичига билимлар ва педагогик фикрлашни олади;
- эмоционал-ижодий системаси - педагогнинг иши билан боғлиқ бўлиб, унга ижодий ҳиссий, психофизиологик хусусиятлар,педагогик интуиция ва муомала маданияти киради.

Ушбу иккала системанинг ўзаро таъсири педагогик маҳорат даражасини ифодалайди. А.Н.Лобанова, Косарев В.В., Крюгатов А.П.лар педагогик маҳорат кўрсаткичларини педагог шахсий фазилатлари, амалий кўникмалари назарий билимлари ва тажрибалари интеграциясини тасвирлайдиган педагогик компетентлик деб таъкидлайдилар.

Педагогик маҳорат кўрсаткичлар мажмуига компонентлик, танқидий фикрлаш,ўз-ўзини маҳоратини ошириш, ижодий ишга интилиш ва касбга бўлган муҳаббатни киритиш мумкин.

А.А.Морева компетентликни - бу педагогика ва унга алоқадор фанлар ривожланишига маданият ҳолатига боғлиқ бўлган динамик ҳодиса сифатида қарайди.

Педагогик компетентлилик ўқитувчининг фаолияти сифатини аниқлар экан, у ҳолда ўқитувчининг маданияти ва шахсий фазилатлари ҳамда индивидуал қиёфасида намоён бўлади.

Ўқитувчининг қанчалик даражада педагогик маҳоратни эгаллаганлигини қуйидаги самарадорлик кўрсаткичлари орқали аниқлаш мумкин:

- талабанинг ўқув фаолиятидаги аниқ ва сифатли кўрсаткичларини яхшиланишини аниқлаш орқали;
- ўқув мақсадларига эришишда ўқув вақтининг қисқартиришни аниқлаш орқали;
- талабанинг билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ва мустаҳкамланиш даражасини аниқлаш орқали;
- ўқув фаолиятининг енгиллаштирилишига қараб;
- ўқитувчи ва талабани ўқув жараёнининг қониқтирганлигига қараб;
- ўрганилган муносабатни таҳлил қилиш орқали.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, педагогик маҳорат-ўқитувчининг касбий-шахсий сифатлари, қобилият ва кўникмаларини ривожлантиришнинг динамик жараёнидир.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, педагогик махорат-бу самарали тарбиявий ва ривожлантирувчи омил ҳамдир. Педагог ўқув материалини айтиб бериши ёки амалларнинг талабалар томонидан механик тарзда бажарилиши билан қониқадиган бўлса, бундай машғулотларнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи ахамияти бўлмайди. Талабалар мустақил харакат қилибгина қолмай, ўз ҳаракатлари устида

фикр юритса, мустақил равишда режалаштириш ва амалга оширилса ҳақиқатни исботласа, қизиқса, ўз фикрини баён этиб, ечимларини таклиф этса, бундай машғулотларнинг самараси анча ошади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, таълим ва тарбияда билим ва малакаларни ўзлаштириш психологик қонуниятларига таяниши ҳам муҳим. Мувофиқ интилиш бўлганда педагог маҳоратининг ўсиши доимий тарзда рўй бериб боради.

Педагогик маҳоратни алоҳида дарслар, машғулотларга қараб бахолаб бўлмайди. Педагогик маҳорат касб таълими ўқитувчининг малакали педагог сифатида энг мухим тавсифи бўлиб, унинг педагогик фаолияти орқали намоён бўлади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўз фанини яхши билмайдиган, ўзининг шахсий намунаси билан талабаларни билим олиш, малака ва кўникмалар хосил қилишга ундай олмайдиган ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Шу ўринда А.С.Макаренко сўзларини келтирмоқчимиз; “.....сиз таълим олувчилар билан қуруқ муомала қилишингиз, ўта талабчан бўлишингиз, улар қўл остингизда ўралашиб юрса, сезмаслигингиз мумкин, бироқ из ишни пухта билсангиз, билим ва ютуқларингиз намоён бўлса, улар сиз томонда бўлади. Қобилиятингиз нимада намоён бўлишининг фарқи йўқ-дурадгормисиз, агрономми, темирчи ёки ўқитувчими барибир”.

Педагог маҳоратнинг энг нозиги ва мураккаблик жиҳати унинг педагогик жараёнда усуллари ва ҳаракатларининг психологик йўналтирилганлигидир. Бунда ўқитувчи томонидан ўқувчиларда юзага келадиган қийинчиликларни, уларни қачон хато қилганликларини тушуниш ва ўз педагогик ҳаракатларини бу қийинчиликлар ва хатолар олдини олишга ва муаммоларни ҳал қилишга йўналтиришдан иборатдир.

Демак, педагогик маҳорат - педагогик жараён давомида ривожлантирилиб борилади. Педагогик жараён бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий ва шахсий тайёргарликни шакллантириб уни меҳнатга мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнидир. Педагогнинг шахсий фазилатларига унинг иймон – эътиқоди, дунёқараши, билими, ижтимоий эҳтиёжи ва фаоллиги, юксак маданияти, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, талабчанлиги, масъулиятлилиги мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, дунёқараши, ҳуқуқий ва иқтисодий билимдонлиги ва ҳ.к.лар киради. Булар ўқитувчига касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

Ўқитувчида педагогик маҳоратни шакллантириш учун аввало педагогик жараённи илмий асосда ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бўлажак касб таълими ўқитувчисининг қизиқишларини инобатга олиш, унинг интилиши ва бошқа ташқи омилларини бир-бирига уйғунлаштириб, касбий фаолияти ва шахсининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фаоллигини ошириб боришни назарда тутиш керак.

Педагогик маҳорат- табиий қобилят яъни педагогик фаолиятга мойиллик уни эгаллашга кўп жиҳатдан ёрдам берса ҳам, инсонга берилувчи табиий қобилият эмас. Педагогик маҳорат педагогика, педагогик психология, дидактика, таълим методикаси ва ташкил этилиши, уларни амалий қўллай олиш соҳасидаги билимлар,чуқур ва ҳар томонлама касбий билим ва малакалар асосида фаол ижодий педагогик меҳнат орқали шаклланади ва ривожланади.

Юқори маҳоратга эга педагог ўқув жараёни, талабаларнинг билим олиш ва амаий фаолиятини самарали бошқаради. У ўзининг талабаларга кўрсатадиган педагогик таъсирини олдиндан ўйлаб чиқади ва режалаштиради. Мақсадга мувофиқ ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини танлайди, талабаларнинг қабул қилиш хусусиятларини, дарс машғулотлар давомида юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлари ва хатоларини ҳисобга олади, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўлларини белгилайди, олдиндан зарур таълим воситалари, жиҳозлар, тарқатма материаллар, ускуналар, ҳужжатлар ва иш жойларини тайёрлайди.

Шунингдек, педагогик маҳоратнинг мухим мезони ва кўрсаткичи бу педагогнинг ўзининг ва талабаларнинг ўқув вақтини тежамли сарфлашга интилишидир. Бу талабаларнинг ўқув жараёнига ижодий ёндашувини чақиради ва рағбатлантиради. Педагогик маҳоратнинг муҳим жиҳати бу талабалар олдига мураккаблик даражаси ўсиб борувчи, мустақил изланишни талаб этувчи ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш, масалаларини, ҳамда муаммоли вазиятларни қўйиш санъатидир.

Педагогик маҳорат ўқитувчининг нафақат талабалар фаолиятида юқори натижаларга эришишга интилишдагина эмас, балки таълим жараёнида юқори натижаларга эришиш мумкин бўлган қобилият ва малакаларини самарали шакллантиришга қаратилганида ҳам намоён бўлади. Бундай маҳорат педагогнинг ўз талабалари олдидаги юқори обрўсини белгилайди. Касб таълими ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими устасининг обрўси қанчалик юқри бўлса, унинг талабларига кўрсатадиган педагогик таъсири шунчалик юқори аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса қилиб, педагогик махоратнинг энг ўзига хос хусусиятлари асосий тавсифлари, кўринишларига қараб бўлажак касб таълими ўқитувчисида шакллантирилиши керак бўлган қобилият ва маҳоратлар бўйича ажратдик:

- ўқитадиган фанига (касби, мутахассислигини) юқори билим, кўникма ва малакага эга бўлиши;
- таълим ва тарбиянинг замонавий, методлари, шакллари воситаларини амалда қўллай олиши;
- педагогик фаолиятида ўз шахсий услубига эга бўлиши, ишда тизимлилик, педагогик техниканинг юқори даражасига эга бўлиши;
- талабалар билан яхши ўзаро муносабатлар ўрната олиш, юксак педагогик одоб;
- янгиликни ҳис эта олиш, доимий ижодий фаоллик кўрсатиш;
- талабаларни фаол мустақил фикрлашга-таҳлил этиш, таққослаш, изланиш, исботлаш, ўз хулосаларини чиқара олиш, олинган билимларни янги шароитларда қўллашга доимий ўргатиб бориши;
- талаба иродали бўлишида, тиришқоқликка, мустақил ишлашга уларни фаол бўлишга ундай олиш; талабаларнинг ижобий фазилатлари ва хусусиятларига таяниш;
- доимо талабаларнинг ютуққа интилишини рағбатлантириши ва ўқув жараёнининг барча босқичларида қувватлаб бориш;
- ўқув материалини мантиқан баён этиш, меҳнат ҳаракатларини намойиш қилиш таълим жараёнида аниқлик, ишончлилик, тушунарлилик, кўргазмаликка риоя қилиш;
- таълимда дифференциал ёрдамлашиш, талабаларнинг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини хисобга олиш;
- ўқув жараёнини оптимал режалаштириш, аниқ лойиҳалаштириш, унинг рахбарлик қилиш, бошқара олиш малакаси;
- ўзининг педагогик фаолияти ва талабалар фаолиятини обеъктив тахлил қилиш ва бахолаш;
- талабаларнинг ўқишга қизиқишини шакллантириш, уларнинг тафаккури ва хотирасини ривожлантириш, ўқув мехнати малакаси ва кўникмаларини ҳосил қилиш ўқув меҳнатига ижобий муносабатни ривожлантириш;
- таълим жараёнида талабаларни назорат қилиш ва ўз-ўзини назорат қилишга ўргатиш;
- ўз шахсий педагогик тажрибасини, педагогик билим, малакаси ва педагогик махоратини доимий ошириб бориш.

2. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИ

Шаклланаётган меҳнат бозори мавқеи республикамизнинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви юқори малакали кадрлар тайёрлашда таьлим муассасалари олдида турган вазифаларини ечишни тақозо этади.

Шундай экан, олий таьлим муассасалари бакалаврлар тайёрлаш тизимининг “Касб таьлими” йўналишлари энг аввало республикамизнинг замонавий талаблари даражасидаги юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлашнинг тўлиқ кафолатини олиши керак. Бу эса педагог маҳоратни ривожлантиришга, ўқитувчи ва талабанинг биргаликда фаолият кўрсатишига асосланган таълим жараёнини ташкил қилишни талаб қилади. Талабаларнинг педагогик маҳоратни ривожлантиришга ва ўзаро ҳамкорликда машғулотларни ўтказиш бошқача ёндашув лозим.

Шу ўринда биз ўқитиш жараёни ҳақида қисқача тўхталамиз.

Ўқитиш жараёни - педагогнинг ва у раҳбарлик қилаётган талабаларнинг билим, ўқув ҳамда малакалар системаларини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил характерлари мажмуидан иборат

Ўқитиш талабалар шахсини шакллантиришнинг, уларни ақлий ва жисмоний камол топтиришнинг, умумий ҳамда махсус билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида талабаларнинг билим олиш кучлари ривожлантирилади.

Ўқитиш – ўқитувчининг таълим олувчиларга билим, ўқув ва малакалар тизимини бериш, уларнинг билим олиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолиятидир.

Ўқиш – талабаларнинг ўқув фани материалининг ўзлаштириш борасида қиладиган тизимини ва онгли меҳнати.

Ўқитиш икки томонлама жараён бўлиб, у ўқитувчи ва талабалар фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти талабаларда муайян фан бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларда мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир.

Талабанинг фаолияти у ўқув фани материалини ўзлаштиришдан ўзида кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнида фикрлар ва эътиқодни ҳосил қилиш юзасидан олиб бориладиган тизимли онгли ва амалий меҳнатдан иборат.

Ўқитишнинг ташкил этилиши шакли деганда, ўқитувчи ва таълим

олувчиларнинг махсус ташкил этилган, белгиланган қоида ва тартибда, муайян вақт мобайнида ўтадиган фаолияти тушунилади.

Демак, замонавий таьлим жараёнитехнологияси барчага маьлум бўлган қуйидаги учта элементдан яъни, таьлим берувчи, таьлим олувчи, таьлим шаклларида ташкил топган. Гарчи бу элементлар асрлар бўйи авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган маьрифий мерос бўлсада, доимо қуйидаги муаммоли саволлар таьлим тизими олдида кўндаланг туради:

1. Нима сабабдан битта фандан дарс жараёни турли даражада ўтади?
2. Нима сабабдан мос ҳолда уларнинг натижалари ҳам турли хил бўлади?
3. Нима учун муайян дарс бир ўқитувчи ва ўқув гуруҳида аьло даражада, бошқа талабалар гуруҳи шу дарс ёки машғулот паст даражада ўтади ёки муваффақиятсизликка учрайди?

Дарс жараёни ўта мураккаб бўлганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буни ўқитувчининг жуда кўп омилларни ҳисобга олиши кераклиги билан изоҳлаш мумкин. Бу омилларга дарс кунинг қайси қисмида ўтилиши, талабанинг ўзи чарчамаган дастлабки соатлардами ёки охирги соатлардами, ўқув материали мазмунининг мураккаблиги ва шунга ўхшаб яна ўнлаб сабабларни киритиш мумкин. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, дарс сифати ва самарадорлиги биринчидан ўқитувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Шу сабабли педагогик маҳоратга эга ўқитувчининг дарсларида талабалар ўзларини бошқача тутишади, худди бошқа одамларга ўхшаб қолишлари ҳам мумкин. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, педагогик маҳорат ўз ичига педагогик қобилият, педагогик ижод, педагогик техника, педагогик технология, педагогик муомала, педагогик услуб, педагогик тажриба, касбий малака ва кўникмаларни ўз ичига олади.

Таҳлилларга ва тажрибаларга кўра, дарснинг сифати ва самарадорлиги баьзан биз ўйлагандек ёки аниқроғи қатьий талаб қилинадиган кўп саҳифали расмият учун тузилган ажойиб дарс режасига боғлиқ бўлавермайди. Режадаги ҳатто сонияларгача қолибга солинган ҳатти-ҳаракатлар, катта меҳнатлар билан ҳам кўзланган мақсадга эриша олмаслик мумкин. Шу маьнода, дарсни ўзига хос ижодкорлик лабораторияси, дейиш ўринлидир. Аммо ижодкорлик фақат ўқитувчи учун эмас, балки талабалар учун ҳам таалуқли бўлиши шарт ва зарур. Аксинча талабанинг дарсда фаоллигини ошира олмаслик, дарснинг муваффақиятсиз бўлишига олиб келади. Ўқитувчи дарсда ўқувчилар иштирокисиз қанчалик меҳнат қилмасин, у бўш ўқув

хонасида дарс берганга ўхшаб қолади ёки бошқача айтганда ўзига ўзи дарс ўтади.

Бундан кўринадики, дарсларда педагогик маҳоратни таьминлашнинг биринчи шарти ёки методи педагог ва ўқувчи талабларининг биргаликдаги фаолиятини таьминловчи жараёни (муҳити)ни яратиш ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик жараёни негизи қуйидагиларга асосланади. (1-расм).



2-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни модели

Мазкур педагогик ҳамкорликнинг хислати шундаки, унда қўйилган мақсадга эришиш кафолатини берувчи дарс жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида;

1. Ўқув мақсадлари ва натижаларини белгилаб олиш;
2. Натижаларга асосланган назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
3. Дарс ишланмаси ва технологик хариталарни ишлаб чиқишни кўзда тутади.

Педагогик маҳоратни белгиловчи ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлик фаолияти олдин таъкидланганидек, ишлаб чиқилган дарсларнинг мазмуни ҳамда савияси қай даражадалигига ҳам бевосита боғлиқ бўлади.

Баён қилинганлар асосида, умумий ҳолда таълим жараёнида педагогик маҳоратни ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги бунёдкорлик даражасидир” дейиш мумкин. Аммо, бу билан ҳам ўқитувчи маҳоратини тўлиқ қамраб олиш қийин. Чунки педагогнинг

маҳорати бундан ташқари яна унинг фаолияти натижаси давлат таълим стандартлари талабларига, маьнавий, миллий, ғоявий, психологик маҳоратларга нечоғлик мос келишлиги каби яна ўнлаб омилларни назарда тутади.

Албатта таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ўқитувчининг ўқитиш жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни юксак педагогик маҳорат орқали амалга оширишдадир. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳорати нафақат педагогик туркум фанларини ўқитишда балки умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда шакллантирилиб борилиши, педагогик амалиётлар ва битирув малакавий ишларини бажаришда айниқса "Касб таълими методикаси" фанини ўқитишда ривожлантирилиб борилиши керак.

Биз бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни моделини (2расм) ишлаб чиқдик. Ушбу моделнинг асосий компонетларига қисқача тўхталамиз.

Албатта таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ўқитувчининг ўқитиш жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни юксак педагогик маҳорат орқали амалга оширишдадир. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳорати нафақат педагогик туркум фанларини ўқитишда балки умумтаълим, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда шакллантирилиб борилиши, педагогик амалиётлар ва битирув малакавий ишларини бажаришда айниқса "Касб таълими методикаси" фанини ўқитишда ривожлантирилиб борилиши керак.

Биз бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёни моделини ишлаб чиқдик. Ушбу моделнинг асосий компонетларига қисқача тўхталамиз.

1. ДТС, ўқув режа ва фан дастури. Ҳар бир фан ДТС ўқув дастурида белгиланган мазмун асосида ўқув режасида белгиланган вақт мобайнида ўқитилади. Адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлардан маълумки, *Давлат таълим стандартлари (* ДТС)- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва Олий таълим мазмунига ҳамда сифати га қўйиладиган талабларни белгилайди. ДТС ларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти (бундан кейин ОТДТС) кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйилган талаблар; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарурий ва етарли таълим муассаслари битирувчиларига қўйилган малакавий талаблар; ўқув

юкламасининг максимал ҳажми; таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиблари ҳамда йўл-йўриқларини белгилайди.

Ўқув режаси – ҳар бир йўналиш учун алоҳида тузилади ва унда тайёрлов йўналиш (ихтисослик) коди ва унинг номланиши, ўқиш муддати, тугатгандан сўнг олинадиган академик даражаси, таълим шакли, ўқув даврининг тақсимоти (жадвали), ўқув жараёнининг режаси, ўрганиладиган ўқув предметлари, ҳар бир ўқув предметини ўрганиш учун ажратилган умумий вақт миқдори, ўрганиш учун ажратилган вақтни-маъруза амалий машғулот, лаборатория ишлари, семинарлар, курс лойиҳалари ва мустақил таълимга қандай миқдорда тақсимланганлиги, ўқув предметини қайси босқич, семестрларда ҳафтасига қанча соатдан ўрганиш тартиби, давлат аттестацияси, танлов фанларининг рўйхати, изоҳлар кабилар ўз ифодасини топади.

Фан дастури ўқув предметининг мақсади, вазифалари мазмуни, уни таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул методлари тартиби, бошқа фанлар билан боғлиқлдиги ахборот манбаларини ўзида мужассамлаштирувчи меъёрий ҳужжатдир.

Касб таълими ўқитувчисини тайёрлашга қўйилган талаблар тасвирлайдиган ўқув дастурларида педагогик мақсадларнинг тўлиқ ва аниқ белгиланиши талаб қилинади.

Ўқув дастурларни замонавий таълим талаблари асосида ишлаб чиқиш ўқитиш жараёнини такомиллаштириш ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Келтирилган моделга мувофиқ бутун ўқитиш жараёни ДТС ва фан дастурида белгиланган асосий мазмунини талабаларда шакллантиришда қаратилади ва таълим натижасини ҳам ДТС да қўйилган талаблар асосида баҳоланади.

2. Умумий ўқув мақсади. Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қили-ниши лозим бўлган билим, ҳатти-ҳаракат билан боғлиқ бўлган амалий топ-ширикни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди.

Ҳар бир фаннинг ўқув мақсадлари аниқ ва тўғри қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўқув мақсадларнинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан келиб чиқиб белгиланади ва уни умумий ўқув мақсадлари таълим олувчи му-айян махсус фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ҳақида умумий тасаввурни беради. Биз аниқ ўқув мақсадининг қўйилиши ҳақида қисқача тўхталамиз.

3. Аниқ ўқув мақсадлари. Аниқ мақсадлар таълим жараёнига тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни бевосита умумий мақсадлардан келиб чиқади. Назарий, амалий ва бошқа машғулотлар бўйича аниқ ўқув мақсадлари қўйилади. Аниқ мақсадлари таълим жараёнида муҳим ўрин тутади. Улар назарий ва амалий машғулот бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма, малака ва хулқни ифодалайди. Шунинг учун уларни ифодалашда мақсадлар билан бирга, уларга эришиш кўрсаткичларини, баҳолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар (асбоб-ускуналар,материаллар ва бошқа зарурий воситалар) тавсифини ҳам бериш лозим бўлади. Назарий ва амалий машғулотлар бўйича аниқ ўқув мақсадлари одатда таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади. Шунингдек, аниқ ўқув мақсадлари таълим муассасалари услубий кенгашида кўриб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши учун тавсия этилиши мумкин.

Ҳар бир машғулот бўйича таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи ўқув мақсадлари қўйилади.

4. Ўқитувчи фаолияти. Ўқитувчи томонидан баён этилган ўқув материали бўйича талабани фикрни баён этишга йўналтириш, ўқув ахборотини тасвирий материаллар тарзида баён этишга турли манбалардан ахборотларни излаш, топиш ва таққослаш орқали ўзлаштиришга талабаларни йўллаш, асосий тушунча, қонунлар, қоидалар ва жараёнлар моҳиятини ёритиш ва уларни мантиқий асослашга йўналтириш, муаммоли вазиятларни яратиш. Ўқитувчи фаолияти талабаларни таълим жараёнида фаоллаштиришда, уларда мустақил ва ижодий иш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилади.

Талаба фаолияти. Талабалар ўқув ахборотини изоҳлаш кўникмаларига эга бўладилар. Ўқув материалидан энг муҳими ва асосийсини аниқлашни ва ажратиб олишни ўрганиб оладилар. Ўқув материалини янги вазиятларда баён этиш ва изоҳлаш маҳоратини намоён қиладилар. Талабалар мустақил равишда ўқув материалини тузишни ва уларни тизимлаштириши, ёки ахборотларни аниқ материаллар билан ўзаро боғлаб, уларни мантиқий, тизимли баён этишни ўрганадилар. Улар муаммоли топшириқларни мустақил ечиш, фикрларини далиллар орқали исботлаш кўникмаларини намоён қиладилар. Бундай ўқитиш технологиясида талаба фаолияти фаол характерга эга бўлиб, дарс жараёнида уларга ўз иқтидор ва имкониятларини намоён қилишга имконият яратилади.

5. Ўқув материали мазмуни. Олий таълим муассасида ўқув жараёни талабаларнинг ўқув материалини тўла ўзлаштириш технологиясига асосланиш лозим. Намунавий ўқув дастури бўйича

ўқув материали барча талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши шартдир. Ўқув материалининг тўла ўзлаштирилиш технологияси – ҳар қайси мавзу бўйича билим олиш ва ўрганиш фаолиятида ўқув мақсадига эришишни англатади.

Ўқув материали мазмунини аниқлашда Давлат таълим стандартлари, фанларнинг ўзаро алоқадорлиги, талабанинг тушуниш савияси ва ушбу фан билан ўқувчининг танишлигига эътибор қаратиш керак.

Фан мазмуни қуйидагилар бўйича аниқланади:

- муайян фан бўйича талабалар эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар;
- талабалар психологик ва ўзлаштириш имкониятларига қараб;
- ўқув режасидаги бошқа фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлигини инобатга олиб;
- фанлар мазмуннинг оддийдан-мураккабга қараб узвий кетма-кетликда баён этилишига;
- фанларни ўқитишнинг мантиқий кетма-кетлиги ва давомийлигига қараб.

6. Таълим шакли. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда таълим олувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳамда фаоллаштиришда кўмак берувчи таълим методларини танлаш муҳим аҳамият касб этади. Фаол таълим методларни мақсадли танлаш белгиланган ўқув мақсадга эришишни кафолатлайди.

Биз касб таълим ўқитувчисини тайёрлашда энг юқори самара берадиган кичик гуруҳларда ишлаш шакли ҳақида тўхталамиз.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” шакли – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганишга ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган машғулотдир.

Машғулотнинг ушбу шаклида таълим олувчилар кичик гуруҳларда топшириқлар ёки муаммоли масалаларни бажариб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлишади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” шакли қўлланилганда ўқитувчи ўқув вақтини тежаш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуни ўрганишга жалб эта олади ва баҳолай олади. Айниқса талабларнинг педагогик маҳоратларини шакллантиришда ва ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар кичик гуруҳларда ташкил этилса талабаларнинг ҳар бирига ўз фикрини баён этишга, педагогик нутқини ўстиришга, мустақил ишлашга,

мунозараларга киришишда, эркин ва танқидий фикрлашга ўргатишга имкон яратилади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” шаклининг тузилмаси келтирилган.

1.Мавзу ёритилади. Асосий ўқув материали баён қилинади.

2.Кичик гуруҳлар шакллантирилади:

1-гуруҳга, 2-гуруҳга, n-гуруҳга топшириқ ёки мунозарали, муаммоли саволлар берилади. Топшириқларни бажариш жараёнида ўқитувчи томонидан кўрсатма бериб йўналтириб борилади.

Барча кичик гуруҳларда топшириқлар бажаргандан кейин 1-гуруҳ, 2-гуруҳ, n-гуруҳ тақдимоти ўтказилади.

Натижалар муҳокама ва таҳлил қилинади.

Якуний босқичда баҳоланади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” шаклидаги машғулотларни ўтказиш босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган топшириқлар, муаммоли вазиятлар ёки мунозарали саволлар ишлаб чиқилади.
2. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади. Таълим олувчилардан иборат кичик гуруҳларга 3-6 кишидан иборат бўлиши мумкин.
3. Ҳар бир кичик гуруҳларга топшириқ ёки саволлар берилади.
4. Топшириқ ёки саволларни бажаришда ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар, маслаҳатлар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Берилган топшириқни ёки савол ечими бўйича кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган ишлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади. Натижалар бўйича якуний хулоса қилинади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда талабаларнинг педагогик маҳоратини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни кичик гуруҳларда ташкил этилганда қуйидаги афзалликлар намоён бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” шаклининг афзаллиги.

- Ўқув материалини самарали ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш ва мунозара қилиш кўникмасининг такомиллашиб боради;
- вақтни тежаш имконияти бўлади;
- барча таълим олувчилар билим олиш ва ўрганишга жалб этилади;
- таълим олувчиларда педагогик нутқ, педагогик муомала ривожлантирилди, педагогик услуб ва педагогик техника шакллантирилиб борилди;

- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

7. Ўқитиш технологияси. “Технология” – юноноча “teche” сўзидан олинган бўлиб, маҳорат, санъат ва “logos” – сўз, таълимот маъносини англатади. Таълимни технологиялаштириш – бу таълим жараёнига технологик ёндашув асосида ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун ўқувчилар ва педагоглар ўзаро фаолиятининг самарали ташкил этилишидир. Бизнинг фикримизча, таълим технологияси – бутун ўқитиш ва ўргатиш жараёнини яратиш,амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимли усули бўлиб, у ўқув мақсадига эришишга йўналтирилган ҳолда инсонларнинг ўрганиш қобилияти ва улар ўртасида мулоқот ўтказиш, тадқиқотлар натижасига, ҳамда таълим жараёнини янада самарали ташкиллаштиришнинг жонли, жонсиз воситалари билан шуғулланишга асосланади . Таълим жараёнини шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси асосида ташкил этиш педагогдан катта маҳорат талаб этади. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ўқитувчидан нафақат ўқувчиларга билим бериш, уларда амалий кўникмаларни шакллантиришни, балки уларнинг шахсини ривожлантиришни талаб этади. Бунга эса таълим берувчи билан таълим олувчининг бир-бирига ўзаро ишончи, ҳамкорлиги ва жонли мулоқоти орқали эришилади.

Технологиялаштириш талабага ўқув материалининг мазмунини ўзи танлашига, ўз-ўзини баҳолашга имконият яратади. Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш фақатгина касбий маҳоратни, таълим олувчиларнинг билимлари ва кўникмаларни шакллантиришга эмас, балки билим, кўникма ва малака билиш ва қўллашда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни ўз вақтида бартараф этишга талабаларнинг педагогик маҳоратини ривожлантиришга, уларнинг фаолиятини ташҳис қилишга йўналтиришимиз керак. Ушбу рол, анъанавий таълимдагига нисбатан анча мураккаб ва биздан юқори маҳорат талаб қилади.

9. Талабалар педагогик маҳоратларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган таълим методлари.

Кейинги йилларда педагогика фани ва амалиётида таълим олувчиларнинг мустақил ишлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фаоллаштиришга йўналтирилган фаол методларини қўллашга катта эътибор берилаяпти.

Ҳозирги пайтда таълим жараёнида таълим методларининг 200 дан ортиқ турлари қўлланилиб келинмоқда. Ушбу таълим методларини таълим жараёнига турли ёндашувлар ва методикалар орқали жорий этилади. Замонавий таълим шароитида талабаларни таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга, уларнинг мустақил ва ижодий

ишлаш қобилиятларига қаратилган фаол методларни қўллашни талаб этади. Шуни эътиборга олиш керакки, фаол метод танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади – таълим олувчиларда билим, кўникмалари ва малакаларини шакллантириш ва шахсий қобилиятларини ривожлантиришдан иборатдир. Ўқув фаолиятида таълим мақсаднинг амалга оширишда турли таълим шакллар танланади. Шунинг учун, таълим шаклини танлашда энг асосий омил бўлиб машғулотнинг аниқ ўқув мақсади қўйилиши муҳим ҳисобланади.

Педагогик ва методик адабиётларда таълим методлари талаба ҳаракатлари ва билим манбалари қуйидаги турларга бўлинади.

Биз бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган таълим методлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

Назарий машғулотларда ақлий ҳужум, муаммоли маъруза, мунозара, мулоқот каби таълим олувчиларнинг нутқини, мустақил фикрлаш ҳамда интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган фаол методларни қўллаш тавсия этилди.

Ўқитишда энг самарали методларидан бири бу муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш деганда машғулотларда педагог томондан яратиладиган вазиятлар ва уларни ечишга қаратилган талабаларнинг фаол мустақил фаолияти тушунилади. Бунинг натижасида талабалар касбий билим ва кўникмаларга эга бўладилар ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Албатта талабаларнинг дарсларга қанчалик даражада фаол қатнашиш ёки қатнашмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг фаоллиги сезиларли даражада бўлмас. Ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай уриниш етарли даражада самара бермаслиги мумкин. Бундай ҳолатда қандай йўл тутиш мумкин. Албатта ўқитиш жараёнида жуда кўп усулларни қўллаш мумкин. Лекин дарсларни муаммоли қилиб ўтиш ана шу юқорида айтилган камчиликлардан халос этиш мумкин. Бунда ҳар бир талаба дарснинг моҳиятини тушуниб олиши ва уни олдида маълум бир муаммо ўқитувчи томонидан қўйилиши керак. Бу қўйилган муаммонинг қанчалик даражада талабаларга ижодий интилишни уйғотиши албатта муаммонинг характерига боғлиқ. Бунда ҳар бир талаба ўз олдида турган муаммони била туриб уни ижобий ечишга ҳаракат қилиши

керак. Ўқитувчи эса бу жараённи кузатиб бориб, тегишли маслаҳат ва йўналишларни кўрсатиши керак.

Ҳозирги замонавий дарсларнинг энг характерли томони ҳам шундадир. Муаммоли ўқитишни бошқариш педагогик маҳоратни талаб этади, чунки муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши - индивидуал ҳолат бўлиб, табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган ёндашувни талаб этади.

Учала гуруҳга кирувчи фаол методлардан биз талабанинг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга энг юқори самара берадиганларини танлаб олишимиз керак.

Мустақил иш машғулотларида ижодий топшириқлар, лойиҳа методлари ёки дарс ишланмалари технологик хариталарни ишлаб чиқиш шаклида олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

8. Ўқитиш воситалари.

Ўқув-дидактик материаллар (ёки ўқув воситалари) деганда, ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга қаратилган ўқув мақсадига самарали эришиш учун ўқитувчи унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриши керак. Шарт-шароитлар билан бирга машғулот учун дидактик материаллар ва воситалар тайёрланади. Дидактик материаллар ва воситаларга муайян фан бўйича ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган ҳар қандай материал, маҳсулот ва жиҳозлар тушунилади. Ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли кўргазмали воситалардан, масалан, ўқув адабиётлари, жадваллар, схемалар, расмлар, тарқатма материаллардан, амалий машғулотлар учун ўқув материаллари ва топшириқлар, услубий кўрсатмалар, йўриқномалардан фойдаланилиш тавсия этилади. Шунингдек ҳар иккала машғулот турида электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш талабаларга мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш яхши самара беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, назарий семинар ва мустақил иш машғулотларида айнан фаол методларнинг тўғри ва самарали қўлланилиши бўлажак ўқитувчиларда педагогик ижод, педагогик нутқ, педагогик техника, педагогик услуб, педагогик ижодни шакллантириш, уларда муаммоли вазиятларни мустақил ҳал қила олиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Фан бўйича ўқув ва дидактик материаллар ўқитувчи томонидан тайёрланади ва назарий ёки амалий машғулотларнинг ўқув мақсадига мослаштирилади.

Ушбу босқичда ўқитувчи фан бўйича қўлланиладиган ўқув-дидактик материаллар ва воситалар рўйхати, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар, кўрсатмалар ишлаб чиқилиши керак.

9. Назарий билим ва амалий кўникмаларни баҳолаш. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг билим ва кўникмаларини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Баҳолаш деганда фан бўйича ўқув мақсадларига эришилган даражасини натижа масштаби билан таққослаш тушунилади.

Талабаларнинг педагогик маҳоратини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ўтказишда талабалар билимини ва кўникмаларини баҳолаш ўқув мақсадларига йўналтирган ҳолда мунтазам ўтказиб турилиши керак. Шунда биз таклиф этган методика ва методларнинг қандай натижа бериши ҳақида маълумотга эга бўламиз.

Билим ва кўникмаларни баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга:

- ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини мунтазам баҳолашдир;
- педагогик ва психологик тамойилларга, ҳамда баҳолаш мезонларига асосланиши лозим;
- баҳолашдан олдин талабани баҳолаш мезонлари билан таништириш;
- билим ва кўникмаларни баҳолаш натижалари билан талабани таништириб бориш лозим;
- талабанинг олган паст натижалар сабаблари муҳокама этилиши керак;
- паст натижалар олган талабаларга қўшимча таълим олиш ёки мустақил ўтказиш учун имкониятлар яритилиш керак.

Кўп ҳолларда талабаларнинг муайян фан бўйича билим ва кўникмаларини баҳолашда тестлар, саволлар ва топшириқлардан фойдаланилади.

Педагогик адабиётлар ва тадқиқотларда топшириқ тестлар қуйидаги йўналишларда тузилиши тавсия этилади.

- талабалар назарий билимларини аниқлаш тестлари;
- ўқув мақсадларига эришилганлигини аниқлаш учун натижа тестлари;
- талабаларнинг интеллектуал ва бошқа қобилиятларни аниқлаш учун қобилият тестлари ва топшириқлар;
- талабанинг амалий кўникмаларини аниқлаш топшириқлари;
- талабанинг мотив, ижтимоий қадриятлари ва қарашларини аниқлаш тестлари.

Бу билан бирга жорий, оралиқ ва якуний назоратлар тестлари билан фарқланади.

Шунингдек, баҳолашда муаммоли саволлардан фойдаланилади. Муаммоли саволларни тузиш бўйича қуйидаги тавсиялар берилади.

- муаммоли савол тушунарли ва аниқ берилиши керак;
- жавоб бериш учун етарли вақт ажратилиши керак;
- талаба муаммоли саволларга жавоб беришда қийналса, уни тўғри ечимига йўналтириш керак.

Талабаларнинг амалий кўникмаларни мунтазам баҳолаб бориш самарали ўқитишнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Амалий машғулотлар якунида доим синов ўтказилиши лозим. Синов – бу амалий фаолият тури бўлиб, унинг натижасини сифат жиҳатидан мезонлар асосида баҳолашдир. Синов орқали талаба бирор бир амалий топшириқни белгиланган вақтда бажариши текширилади ва баҳоланади. Шу билан бирга эгаллаган маҳоратлари аниқланади.

10. Таълим натижаси

Якуний баҳолаш талабанинг фан бўйича ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва меъёрларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш муайян фанни ўқитиш жараёнининг якунида ўтказилади. У жорий ва оралиқ баҳолаш натижаларини жамлайди. Биз томондан ушбу модел асосида “Касб таълими методикаси” фанидан бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар ташкил этилди ва ўтказилди.

Хулоса ўрнида такидлаш жоизки, ҳар бир педагог таълим фаолиятда ўз ўрнини тўғри баҳолай олмас экан, ундан ҳеч қачон моҳир педагог чиқмайди. Зеро, педагогик маҳорат бевосита мустақил ўрганиш, ишлаш ва ижодкорликка боғлиқ. Чунки, ҳар қандай машғулотнинг маваффақиятли ўтишининг 90 % ўқитувчининг юксак педагогик маҳорати орқали ўқув жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир. Шу маьнода, бўлажак касб-таьлими ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш масаласини таьлим тизимимиз олдида турган асосий долзарб вазифалардан десак муболаға қилмаган бўламиз.

3. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ (КАСБ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ" ФАНИ МИСОЛИДА

Жамиятдаги иқтисодий -ижтимоий ўзгаришлар таълим тизимини доимий ривожлантириб боришни талаб этади. Таълимни ривожлантиришдаги янгича ёндашувлар шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим парадигмасини шакллантиришга олиб келди. Шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш биринчи навбатда ўқитувчидан юксак педагогик маданият ва маҳоратни, юқори даражадаги касбий малака ва кўникмаларга эга бўлишни талаб этилади.

Биз бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини шакллантиришда энг муҳим аҳамиятга эга бўлган "Касб таълими методикаси" фанини ўқитиш методикасига оид изланишлар олиб бордик. Дастлаб ушбу фанни ўқитишдаги камчиликларни аниқладик.

1. Дарснинг ташкил этилишида мавзуларга нотугри вакт ажратилган.
2. Талабаларни фаоллаштиришда йўналтирилган фаол методлар кулланилмайди.
3.Ўқув материални урганишда талабаларнинг мустакил иш ўтказилиши паст даражада.
4. Билимларини мустахкамлаш учун мустакил иш бажариш утказилмайди.
5. Дидактик воситалар педагогик жихатдан самарали фойдаланилмайди.
6. Фанлараро боғланиш кам таъминланган.
9. Дарсда тарбиявий ишлари амалга оширилмайди яъни тарбиявий мақсадда ишлатилмайди.
10. Дарсни мустаҳкамлаш ўтказилмайди.
11. Уйга топшириқ берилмайди, ижодий ёндашув йўқ.
13. Ўқитувчининг педагогик техникаси ва иш стили яхши кўринмаслиги.
14. Махсус фанлар материаллари билан ўзаро боғлиқлик паст даражада.
15. Талабаларда мустақил фикрлашга, техник фикрлашга ривожлантиришга эътибор йўқлиги.

16. Талабалар томонидан бажарилаётган иш усуллари нотўғри бажарилаётгани тўғрисида қайғурмаслик ёки уларга эътибор бермаслик.
17.Талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги паст даражада

Демак педагогик маҳоратни ўқитувчининг таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва ўтказишдаги фаолиятлари хусусиятлари йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Бу хусусиятларга педагогнинг таълим жараёнида қўллайдиган методикалари, метод ва қоидалари киради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида таълим жараёни шундай ташкил этилиши керакки, ҳар бир машғулотларда тегишли фан бўйича талабага эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан бир қаторда уларнинг педагогик маҳоратлари шакллантирилиб борилиши керак. Бунинг учун машғулотлар талабаларнинг педагогик маҳоратларини шакллантириб бориш нуқтаи назаридан ташкил этилиши ва ўтказилиши керак.

Биз қуйида “Касб таълими методикаси” фани бўйича бўлажак ўқитувчисининг педагогик махоратини ривожлантиришга йўналтирилган машулотларни ташкил этиш методикаси ҳақида фикр юритдик. 3-расмда олий таълим муассасаларида “Касб таълими методикаси” фанини ўқитиш технологияси тасвирланган.

1. Назарий машгулотларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

Таълим жараёнида педагогдан доимо нотиқлик санъати талаб этилади. У факат ўқув ахборотини етказиш эмас балки далиллар келтириш, исботлаш ва ишонтириш кобилиятига эга бўлиши лозим. У аудиторияга информацион таъсир килишнинг технологик жараёнларини билиши керак.

Биз томондан бўлажак ўқитувчининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган назарий машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1. Мавзу буйича ўрганиладиган энг асосий масалалар ва жиҳатларни ажратиб олиш керак.
2. Назарий машғулотни ўтказиш шаклини аниклаш лозим. (маъруза, мунозара, муаммоли ёки бошка шаклида ўтказилиши аниқланади).
3. Машғулот пайтида ўқитувчи ўқув материалининг мантиқий баён этилишига, мантиқий воситалардан фойдаланиш, изоҳлаш, аниқлик киритиш, фикрлаш, далилллар келтириш, мисоллар, исботлаш ва тахлил қилишга эътибор қаратиши керак .

4. Аудитория олдида маъруза килганда ёки мунозара юритиш жараёнида ўини бошкариш, муомала килиш, психологик вазиятларни ажратиш, хазил мутойиба килиш, мурожаат килиш коидаси, таълим олувчиларга муомала килишнинг этикавий усулларга риоя килиш ва хамкорликда фаолият кўрсатиш элементларига эътибор қаратиш лозим.
5. Шуни эсдан чиқармаслик керакки "Бизнинг кўринишимиз, қандай ҳаракат қилишимиз, кандай гапиришиз ва фикр юритишимиз, ўзимизни кандай тутишимизга қараб талабалар баҳолайдилар ва фикрлайдилар". Бу ҳолатлар бўлажак касб таълими ўқитувчисида келажакда унинг педагогик фаолиятини юритишда ижобий тааасурот қолдириши керак. У келажакда худди сиздай юксак педагогик маҳоратга эга педагогга ўхшаш учун ҳаракат қилиши керак.
6. Ўқув ахборотини қуйидаги икки вариантда узатиш тавсия этилади:

а) ўқув ахбороти аник конкрет материаллар асосида объектив ҳодиса ёки ҳолат сифатида узатилади

в) ўқув ахбороти реал ҳақиқат кўринишида такдим этилади ва исботловчи далил, тезис, аргумент ёки иллюстрацияга асосланади ёки гоя сифатида узатилади. Далиллар, намуналар, тажрибаларнинг ижтимоий ахамияти ёритиб берилиши керак.

7. Аудиторияни жалб қилиш учун ўқитувчи фикрини тўғри, тушунарли ва аник баён килиши, вақтга риоя килиши, талабаларга ҳурмат билан қаратиши лозим.
8. Ўқитувчи нутки тўғри қабул килиниши учун товушига ҳам эътибор каратииши керак.
9. Маърузани 30 минутдан ортик вақтга режалаштирмаслик керак. Мавзуга хос муаммоли саволлар ва топшириклар билан сухбатлар ёки мунозаралар уюштириш орқали таълим олувчиларни хар 20-30 минутда фаоллаштиришга харакат килинг. Фаоллаштириш орқали талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилиб борилади. Бу эса касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда жуда муҳим ҳисобланади.
10. Назарий машгулотга тегишли асосий тушунчалар, таърифлар, коидалар буйича ёзма конспект тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Сохага ёки фанга тегишли бўлмаган махсус терминларни ишлатмаслик керак. Маъруза давомида таълим олувчиларни кизиктиришга эътибор каратиш лозим. Маърузани далиллар, цитаталар , мавзуга оид хаётий тажрибалар билан бошласа яхши бўлади. Маъруза якунида ўқув ахборотини хулосалаш, таълим

олувчиларни рагбатлантириш, турли мисоллар ва ривоят келтириш мухимдир. Шуни эсдан чиқармаслик керак “Энг яхши маъруза яхши бошланиши ва тугалланишига боғлиқ бўлади. Иккала бир-бири билан ўзаро боғлик бўлиши лозим.

2. Семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича тавсиялар

Семинар ва амалий машғулотлар бўлажак ўқитувчиларда аналитик, информацион, коммуникатив, лойиҳачилик, гностик ва бошқа педагогик кўникма ва рефлектив қобилиятларни ривожлантириш, бўлажак уларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва воситалари ҳақида тасаввурларни шакллантириш, касб-ҳунар коллежларида ўқув машғулотларини ўтказиш бўйича педагогик техникани эгаллаш шароитларини яратиш, бошқа шахслар билан ўзаро муомала маданиятини шакллантириш; талабалар ва ўқитувчилар билан ижодий ҳамкорлик муносабатини ўрнатиш ва амалиётда қўллаш имкониятларини ёритишга йўналтирилган ҳолда ташкил этилади.

Амалий ва семинар машғулотларни муаммоли ўқитиш технологияси асосида ташкил этиш тавсия этилади. Бугунги кунда муаммони укитиш технологиясига асосланган семинарлар ва амалий машғулотлар яхши педагогик самара бермокда. Семинар машғулотидаа ўқув фаолиятини ташкил килиш шаклида ва ўқитиш методикасида муаммоли вазиятлар шакллантирилади. Машғулотларда талабалар фаолияти муаммоли вазиятларни ҳал қилишга қаратилади. Билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш эса мустақил иш топшириқларини бажариш орқали амалга оширилади. Амалий машгулотлар ва семинарларда асосий эътибор талабаларнинг турли манбалар билан ишлаш малакаларини ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўқитувчиларнинг илгор педагогик тажрибаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, муаммони аниклаш ва уни ҳал қилиш йулларини топиш куникмаларини шакллантиришга қаратилиши керак. Алохида семинарлар илмий-амалий конференция, ўқув-услубий ва илмий семинар, давра суҳбати кўринишларида олиб борилиши мумкин. Бундай семинарлар мавзулари таълим муассасалари кенгашларида тасдиқланади.

Шунингдек, бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган семинар ва амалий машғулотлар ролли уйинлар, мунозара, тренинг методларини куллаб ўтказиш тавсия этилади.

Амалий ёки семинар машгулотига тайёргарлик қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Назарий босқич -бу боскичга ўқув адабиётлари билан танишиш, мавзуга оид асосий тушунчаларни ёзиб олиш, реферат ва бошка материалларни тайёрлаш киради.
2. Назарий-амалий босқичи. Бу босқич назарий билимларни далилий материаллар билан бойитишга ёрдам беради. Бу боскичда талаба семинар машғулоти натижаларини видео фрагмент кўринишида, маълумотнома ёки аннотация шаклида ёзиб боради. Диаграмма ва жадваллар тузади.
3. Тақдимот босқичи-талабаларга аудитория олдида чиқиш ва ўз фикрини баён этишга имкон беради.
4. Аналитик босқич– талабалар амалий ёки семинар машғулотидаги методикани таҳлил қилишни ўрганадилар.

3. Тренинг машгулотларини ўтказиш методикаси

Тренинг – бу шахснинг хулқи ва фаолиятини бошқарувчилик кобилиятини такомиллаштириш усулидир.

Тренинг максади – бу бўлажак ўқитувчининг ижтимоий психологик дунёкарашини кенгайтириш, талабалар билан ўзаро мулоқот ва муомала маданиятини ривожлантиришдир. Тренинг машғулотларини ташкил килишда педагогик билим ва амалий ҳаракатлар бирлигига таянилади. Тренинг талабаларда билим олиш ва ундан фойдаланиш бўйича маълум бир амалий кўникмаларни шакллантиради.

Тренинг машгулотларида биринчидан билимлар узатилади ва уни амалда қўллашга имкон яратилади, иккинчидан маълум даражада амалий кўникма шаклланади, учинчидан – максадни ва мазмунини тушуниш билан бир қаторда бўлажак ўқитувчининг педагогик махорати ривожлантирилади. Тренинг машгулотлари ривожлантирувчи таълимга асосланади ва турли гурухий шаклларда олиб борилади.

Тренинг машгулотларининг асосий хусусиятларига куйидагилар киради:

- гурух иштирокчилари сони 10 кишидан ошмаслиги керак;
- шахснинг сифатларини ривожлантириш, ҳамда мавзу буйича билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади;
- талабаларнинг бир-бири билан яхши муносабатларини ривожлантирилади, мустақил фикрлаш, ўзаро муҳокама қилиш, қобилиятлар ривожлантирилади;
- иштирокчиларнинг ўзаро эркин муомала ва муносабати, психологик хавфсизлик юзага келтирилади.

Тренинг машгулотлари куйидаги тамойилларга асосланади:

1) Ўзаро мулоқот (диалог). Шахслар орасида тенг ҳуқуқли мулоқот ва ҳурмат ўрнатилади.
2) Тескари алоқа. Тренинг давомида бир иштирокчининг бошқа иштирокчидан ҳаракатлари натижаси бўйича узлуксиз ахборот олинади. Машғулотда тескари алоқа топшириқни бажаргандан кейин амалга ошади ва реал вазиятларга боғлиқ бўлади.
3) Ижодий-изланувчанлик. Иштирокчининг шахсий касбий фазилатларининг намоён булиши, мустакил ижодий фаолият кўрсатиш назарда тутилади.
4) Интеллектуал ва эмоционал. Тренинг иштирокчисининг интеллектуал ва эмоционал холатига эътибор қаратилади.
5) Эркин иштирок. Ҳар бир иштирокчига топширикни бажаришдаги иштирок қилишини танлаш ҳуқуқи берилади. Масалан, агар иштирокчи ўзининг ҳоҳишига қараб, масалан кайфияти йўқ бўлса ёки бошқа муаммоли ва можароли вазиятлар юзага келса топшириқни бажармаслиги ёки машғулотни ўтказиб юбориши мумкин. Бу фақат баъзи ҳолатларда бўлиши мумкин.
6) Реал ҳолат таҳлили. Аудитория доирасидан чиқмасдан шахснинг реал ҳаракатлари таҳлил қилинади.
7) Фикр эркинлиги. Ҳар бир иштирокчи ўз нуктаи назарини баён қилиш ҳуқуқига эга бўлади.
8) Фаоллаштириш. Ҳар бир талабанинг гурухий жараёнга иштирок этишга жалб килиш фаол иштирокини таъминлаш.
9) Мотивация. Талабаларни тренинг машғулотларига, ўз навбатида топшириқларни бажариш жараёнига қизиктириш. Ўқув материалини ўзлаштиришга мотивация уйғотиш.
10) Назария ва амалий бирлиги. Тренинг машғулотларида олинган назарий билимлар топшириқларни бажариш давомида амалий кўникмаларга айлантирилади. Тренинг машғулотларида ушбу тамойиллар жорий қилинишида қуйидаги қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади:
    - Талабаларнинг фаол иштироки таъминланиш;
    - Ҳар бир иштирокчи ўз нуқтаи назарини айтиш ҳуқуқига эга;
    - Ҳар бир билдирилган фикрни қўллаб қувватлаш ҳуқуқи бўлади;
    - сўзни бўлмасдан эшитиш маъсулияти;
    - барча жараёнларга фаол қатнашиш
    - ишни бошидан охиригача ҳаракатда бўлиш;
    - хозир бўлаётган ҳодисалар ёки жараёнлар тўғрисида шахсан ўз фикр мулоҳазасини билдириш

Тренинг машғулотларини қуйидаги босқичларда амалга ошириш тавсия этила:

1. Тренинг мақсадини аниқлаш. Машғулотга тайёргарлик ўқув максадини белгилашдан бошланади. Тренинг максади аник ва тушунарли куйилиш керак. Ўқитувчи машғулот мақсадига эришиш учун машғулот давомида эгалланадиган билим ва кўникмалар моҳияти келтирилади.
2. Тренингни лойихалаш.

Машғулот мазмуни ўз ичига билим, кўникма, кадриятлар соҳаларини олади. Шунингдек, бўлажак ўқитувчининг жисмоний, эмоционал, интеллектуал ва рухий сифатларини боғлик бўлади.

Агар ҳар бир шахсий фазилатларга эътибор берсак, тренингда жисмоний фаолиятда талабанинг эмоционал зўриқишни чиқариш учун маълум психогимнастик машқларни бажариш орқали талабаларни ақлий фаолият билан бир каторда жисмоний фаолият кўрсатишини назарда тутилади. Тренинг эмоционал зўриқишдан озод қилади, ҳар қандай тренинг талабаларнинг интеллектуал кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилади. Шунингдек, тренинг машғулотлари талабаларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида, ҳар бири ўзининг фикрини айтиш муҳитида ўтказилади. Булар хаммаси бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳорати ва ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

Машғулот топшириқларини танлаш. Тренинг машғулотида топшириқлар бутун гуруҳ, кичик гуруҳ ёки алоҳида ҳар бир талаба учун танланиш мумкин. Топшириқларни бажариш жараёнини ташкил этиш учун топшириқ мақсади аниқланади, топшириқни бажариш учун аниқ кўрсатма ва йўриқномалар берилади.

Топширикни бажариш учун методларни танлаш. Тренингда қўлланиладиган методлар талабаларда эришилиш лозим бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда уларда шахсий фазилатларни, педагогик маҳоратларни ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Тренинг машгулотларида мунозара, ролли ўйинлар, лойиҳа, психогимнастика, муаммоли вазиятлар, ижодий топшириклар методларини қўллаш тавсия этилади.

Машғулотни баҳолаш. Тренинг якуний босқичида ҳар бир талабанинг машғулот давомида ўқув мақсадига эришганлиги, унинг шахсий сифатларининг ривожланганлиги бахоланади. Машғулот натижаларини баҳолаш мезонларига куйидагиларни киритиш мумкин:

Муваффакиятлилик – тренингда белгиланган ўқув мақсадига эришганлик даражаси;

Самарадорлик-талабанинг қайси шахсий сифат ва фазилатларининг ривожланишидаги ўзгаришлар;

Унумдорлик – энг яхши натижаларга эришилганлик.

Агар юқоридаги методик тавсиялар асосида машғулотлар ташкил этилса бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратларини шакллантириш ва ривожлантириб бориш имконияти яратилади.

3. Касб таълими ўқитувчисининг педагогик махоратини ривожлантиришга йўналтирилган машулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Биз томондан бўлажак ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришга қаратилган "Касб таълими методикаси" фанидан дарс ишланмалари ишлаб чиқилди.

Машғулот мавзуси: Мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш.
(4 соат).

Машғулот мақсадлари:

Таълимий: Талабаларга мустақил ишларнинг шакллари, вазифалари, фанлар бўйича зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилиши, мустақил ишларни самарали ташкил этиш учун нималарга асосий эътиборни қаратиш кераклиги ва баҳолаш мезонлари тўғрисида билим ва кўникмаларни ўргатиш.

Тарбиявий: Талабаларни ўз-ўзини назорат қилиш, меҳнатга масъулият ва ижодий ёндашишга, жамоа бўлиб ишлаш қобилиятини шакллантириш, касбга бўлган қизиқишларини орттириш ва шакллантириш.

Ривожлантирувчи: Талабаларни мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Машғулот шакли: Кичик гуруҳларда ва якка ҳолда ишлаш.

Машғулот ўтиш жойи: ўқув хонаси, ўқув устахонаси.

Дидактик воситалар: бўр, доска, қалам, ҳар хил рангдаги қоғозлар, қайчи, линейка, пинборт доскаси, магнитлар, газлама.

Дарснинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги: педагогика, чизмачилик, тикувчилик технологияси.

Техник воситалар: Кодоскоп, проектор, слайдлар.

Тарқатма материаллар: картотекалар, тест саволлари, ўқув-услубий материаллар.

Машғулотнинг бориши.

I. Ташкилий қисм – 10 дақиқа.

Талабалар билан саломлашади, улар давоматини аниқлайди, иш ўринлари ва ўқув хонасининг санитария-гигиена ҳолатини кўздан кечиради. Машғулотни ўтишдан олдин режа билан таништирилади:

Режа:

1. Мустақил ишларни ташкил этишдан асосий мақсадлари.
2. Мустақил ишларнинг ташкилий шакллари.
3. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари.

II. Асосий қисм.

Машғулот 1-қисми - 60 дақиқа.

Талабалар турли хил шаклга эга бўлган карточкаларни тортиб, ўз гуруҳларини аниқлайди. Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳлар ҳосил бўлади. Машғулот мавзуси, мақсади, машғулотдан кутиладиган натижалар, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини тушунтиради, талабаларга баҳолаш мезонларини эълон қилади. Талабаларнинг ўтилган мавзуларга оид билимларини аниқлайди. Бунинг учун ўтган мавзуга оид саволлар беради.

1-кичик гуруҳ:

1.Ўқитишнинг кўрсатмалилиги ва намуналардан фойдаланиш тамойилларига тушунча беринг.

2. Муаммоли ўқитиш усулининг моҳияти нимада?

3.Ишлаб чиқариш таълимининг усуллари ҳақида тушунча беринг.

2-кичик гуруҳ:

1.Таълим усуллари билим манбалари бўйича қайси гуруҳларга бўлинади?

2.Сиз нима деб ўйлайсиз, модулли ўқитишнинг афзаллиги нимада?

3.Амалий усулларга нималар киради?

n- кичик гуруҳ: ....

1. ...
2. ...
3. ...

Ўқитувчи талабаларга янги мавзунинг умумий мазмуни ва уни ўтказиш тартибини тушунтиради. Машғулот “Лойиҳа” усули ва ижодий топшириқларни қўллаб ўтказилади. Бу усул 6 босқичда амалга оширилади:

1. Маълумот йиғиш. Бу босқичда ўқитувчи талабаларга мустақил ишларни қандай ташкил этиш, унинг вазифалари, ташкилий шакллари,

фанлар бўйича қандай зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилиши, таълим жараёнида мустақил ишларни самарали ташкил этишда нималарга асосий эътиборни қаратиш кераклиги, баҳолаш мезонларидан тўғри фойдаланишлиги ҳақида барча манбаларни ҳамда саволлар ва топшириқлар варағини беради. Ушбу варақда талабаларга мавзуга оид барча маълумотларни босқичма-босқич йиғиш тартиби саволлар ёки топшириқлар шаклида берилиши керак.

1-кичик гуруҳ:

1. Ўйлаб кўрингчи! Таълим жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш мақсади нималардан иборат?
2. Қизиқ! Мустақил иш нима, мустақил таълим нима? Бир-биридан фарқи нимада?
3. Касб таълимида замонавий дарсларга қандай дидактик талаблар қўйилади?

2-кичик гуруҳ:

1. Сиз нима деб ўйлайсиз, таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аҳамияти ва моҳияти нимада?
2. Фикрлангчи! Таълим тизимида мустақил ишнинг роли қандай?
3. Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга қандай зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади?

n- кичик гуруҳ: ....

1. ...
2. ...
3. ...

Талабалар ўзларига берилган иш топшириғини таҳлил қилиб, дарсликлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, схемалар асосида иш босқичлари ёки керакли маълумотларни йиғади.

2. Режа тузиш. Бу босқичда талабалар мустақил равишда мустақил ишларни ташкил этишни, ўтказишни ва баҳолаш режасини тузишлари, яъни топшириқларни ҳал қилишга қаратилган ўзларининг бажарадиган иш босқичларини режалаштиришлари лозим. Улар бу ерда ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.

3. Қарор қабул қилиш. Талабалар ўқитувчи билан биргаликда ҳар бир фан учун мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш режасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Агар топшириқни бажаришда турли ечимлар юзага келса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида қатнашиши керак.

4. Амалга ошириш. Бу босқичда мустақил ишларни қандай тўғри ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш топшириғини тузилган режага

мувофиқ бажаришади. Берилган вақтга қараб, кетма-кетлик асосида берилган саволларга жавоблар ёзилади. Ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туриши лозим.

5. Текшириш. Талабалар бажарган фазифалари, яъни саволларга бериган жавобларини ўзлари текшириб (масалан сифат кўрсаткичларини) “Баҳолаш варағига” қайд қилишлари ҳамда бир-бирларининг ишини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни “Хулосалар варағига” ёзиб қўяди.

6. Хулоса чиқариш. Ўқитувчи улар берган жавобларини таҳлил қилиб якуний суҳбат ўтказади ҳамда кейинги сафар қайси жиҳатларга эътибор бериш кераклигини айтиб ўтади.

Машғулот 2-қисми – 80 дақиқа.

Таълим жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш бўйича ижодий топшириқларни бажаради. Техника ва меҳнат хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидалари ва иш жараёнида йўл қўйиладиган нуқсонлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида маълумот берилади. Кичик гуруҳлар ҳар бирига ижодий топшириқлар берилади.

1-кичик гуруҳ:

1. Олий таълимда ўқитиладиган муайян махус фан бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрланг.
2. “Классик” услубдаги кийим “фантазия” услубдаги кийимдан нимаси билан фарқ қилади? Бир-биридан фарқини чизиб кўрсатинг.

2-кичик гуруҳ:

1. Бирор бир махсус фан бўйича амалий характердаги мустақил иш топшириғи тузинг.
2. Тайёрланган андозаларни техник шартларга асосан газламага жойлаштириб, бўрлама чизиқлар асосида газламани бичишни амалда кўрсатинг.

n- кичик гуруҳ: ....

1. ...
2. ...

Кичик гуруҳлардаги ҳар бир талаба кичик ижодий топшириқни бажаради. Кичик гуруҳ етакчиси ишларни тақсимлайди ва вақт белгилайди. Ўқитувчи талабалар ишини кузатиб туради. Ишни сифатли ва тез бажарган талабалар рағбатлантирилади.

Ҳар бир гуруҳ талабалари берилган вазифаларни белгиланган вақт давомида тайёрлашлари керак. Ўқитувчи тайёр бўлган маҳсулотларни текшириб, уларни маълум мезонлар асосида баҳолайдилар. Ҳар бир топшириқни бажаришда ижодий ёндашув ҳам алоҳида баҳоланиши керак. Ишни ҳар бир талаба тайёрланаётган ижодий иш маҳсули

сифатида бирон маҳсулот ёки композиция яратади. Талабалар бажарган ишини баҳолаш орқали уларнинг мустақил ва ижодий қобилиятлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин. Талабалар ишини қуйидаги тарзда баҳолаш мумкин: талаба топшириқни бажара олмади қониқарсиз (55 % дан паст), бажарди қониқарли (56-71 %), яхши бажарди (72-85 %), аъло даражада бажарди (86-100 %).

III. Якуний қисм –10 дақиқа.

Гуруҳ талабалари тўплаган баллар эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбат-лантирилади. Талабалар бажарган ишини баҳолаш орқали уларнинг мустақил ва ижодий қобилиятлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши мумкин. Уларнинг билимини назорат қилишда 100 баллик рейтинг тизимидан фойдаланади. Бажарилган ишларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади, йўл қўйилган хатоликлар сабаблари аниқланади ва бартараф этиш йўллари тушунтирилади. Уйга бажариш учун топшириқ берилади. Ўқув устахонадаги нарсалар йиғиштирилиб, тартибга келтирилади.



3 -расм. "Лойиҳа" усули асосида ташкил этиш.

Машғулотнинг технологик харитаси
Мавзу: “Мустакил ишларни ташкил этиш, ўтказиш ва баҳолаш”

Дарс босқичи	Вақт (дақ)	Таълим усуллари	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти
1.Ташки- лий қисм	20	Ақлий ҳужум	1.1. Талабаларнинг дарсга тайёргарлигини текши-ради.Мавзунинг мақсади ва вазифаларни эълон қилади, тушунтиради. 1.2. Мавзуга кириш учун олдинги билимларни фаоллаштиради. Саволлар беради. Мавзуга оид қизиқарли маълумотлар ва янгиликлар келтиради.	Тинглайди, саволлар беради, тушунмаган жойларини ўқитувчидан сўрайди. Тинглайди, асосий маълумотларни ўзида қайд этиб, ёзиб олади, тушунмаган жойларини ўқитувчидан сўрайди.
2. Асосий қисм	40	Мотивация	2.1. Мавзуга мотивацияни уйғотади. Мавзу бўйича асосий ўқув материалини баён қилади. Мустақил ишларнинг шакллари, вазифалари, фанлар бўйича зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилиши, мустақил ишларни самарали ташкил этиш учун нималарга асосий эътиборни қаратиш кераклигни ва баҳолаш мезонлари тўғрисида асосий тушунчаларни беради.	Тинглайдилар, асосий маълумотларни ёзиб олди. Тушунмаган жойларини ўқитувчидан сўрайди.
		Мунозара	2.2. Мавзуга оид муаммоли саволларни киритади. Саволлар ечими бўйича мунозарани ташкил этади. Масалан талабаларга мустақил ишни ташкил этишдан асосий мақсад, вазифалари, ташкилий шакллари, баҳолаш мезонлари ҳақида саволлар беради, ўз жавобларини асослаб беришни сўрайди, жавобларни умумлаштиради, хулосалайди.	Мунозарада иштирок этади. Бошқа талабалар фикрини тинглайди, саволлар беради, жавобларини асослайди.
	60	Кичик гуруҳларда ишлаш.	2.3. Ҳар бири 4-5 кишидан иборат кичик гуруҳларни шакллантиради. Ҳар бир кичик гуруҳга турли хил муаммоли ёки ижодий топшириқлар беради. Улар билан бирга саволларга жавоб излайди. 1.Ўйлаб кўрингчи! Таълим жараёнида мустақил ишларни ташкил этиш, мақсади нималардан иборат? 2.Қизиқ! Мустақил иш нима, мустақил таълим нима? Бир-биридан фарқи нимада?	Кичик гуруҳлар берилган саволлар ва ижодий топшириқлар устида ишлайдилар, тушунмаган ҳолатда ўқитувчидан сўрайди. Берилган савол ёки топшириқ бўйича мустақил равишда дарслик, қўлланма ва бошқа манбалар билан

		1-кичик гуруҳ	3. Олий таълимда ўқитиладиган махсус фан бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрланг.	ишлайдилар. Тушунмаган ҳолатда ўқитувчига мурожаат қилади. Даф- тарига тегишли маълумот-ларни ёзади. Ижодий топшириқларни бажарадилар.
		2-кичик гуруҳ n-кичик гуруҳ	1. Сиз нима деб ўйлайсиз, таълим жараёнида билим, кўникма ва малакаларни баҳолашнинг аҳамияти ва моҳияти нимада? 2. Мустақил ишни бажариш учун фанлар бўйича талабаларга қандай зарурий услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади? 3. Бирор бир махсус фан бўйича амалий характердаги мустақил иш топшириғи тузинг. 1.... 2.... 3....	
	20	Ўз-ўзини баҳолаш. Гуруҳ ишлари тақдимоти	2.4. Тақдимотни ташкил этади, гуруҳларни тинглайди, саволлар беради. Талабаларни музокарага жалб этади.	Ҳар бир гуруҳ савол ва ижодий топшириқлар натижалари бўйича тақдимот қиладилар. Савол ва ижодий топшириқ бўйича йўл қўйилган хатоларни тузатадилар
3.Якуний қисм	20		3.1.Мавзу бўйича ўқув мақсадларини эслатиб ўтади, мавзуга оид қўшимчалар, тўлдиришларни баён қилади. Мавзу бўйича якуний хулоса-ни амалга оширади. Талабаларни баҳолайди.Уйга вазифани эълон қилади.	Тинглайдилар, саволлар берадилар, янги маълумотларни дафтарига қайд қиладилар.

5. БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ҚЎЛЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Касб-ҳунар коллежларида малакали кичик мутахассисларни тайёрлаш самарадорлиги маълум даражада махсус фан ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий педагогик савияси ва маҳоратига боғлиқ бўлади.

Замонавий таълим шароитида махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталариннг асосий вазифаси ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан бир қаторда уларда мустақил билим олиш ҳамда ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълим усталари ўз фани ва касби соҳасида малакали мутахассислар бўлишсада, юқори педагогик маҳорат ва тажрибага етарли даражада бўлмаганликлари муаммолар келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш таълими усталари ва ўқитувчи амалиётчилар ўз педагогик маҳоратларини малакаларини ошириш курсларида марказлаштирилган регионал ва маҳаллий шаклларда қисқа муддатли тарзда ошириб борадилар. Малакани ошириш тизимида ўқитишнинг объектив ва субъектив сабаблари бўлганлиги туфайли, бу муаммони тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Демак, ушбу муаммони ҳал қилишда олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг педагогик маҳоратларини шакллантириш билан бир қаторда уларнинг педагогик фаолиятни мустақил ташкил этиш ҳамда уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Педагогик маҳорат ва ижодий фаолиятлари ривожлантиришнинг яна энг самарали усуллари ва шаклларидан бўлиб илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва амалда тадбиқ этиш ҳисобланади. (Соатова)

Педагогик тажриба – бу педагогик амалиётнинг олтин фонди бўлиб, “Педагогика” фанининг озиқлантирувчи муҳити ҳисобланади. Агар ўрганилган, умумийлаштирилган ва амалиётда ўз тадбиғини топган педагогик тажрибалар бўлмаганида, табиийки хар сафар педагогик фаолиятни янгидан бошлашга тўғри келар эди. Педагогик тажриба – бу бугунги кундаги педагогик янгиликни, кейинги педагоглар авлодларига асос қилиб қолдиришдир. Шундай қилиб, педагогик тажриба-бу ўз мазмуни бўйича доимо ривожланадиган, такомиллаштириладиган ва чуқурлаштириладиган ҳолатдир.

Илғор педагогик тажриба - бу ўқув-тарбиявий жараёнида юқори натижаларга доимий равишда олиб келадиган индивудуаллаштирилган

педагогик тизим ҳисобланади. Илғор педагогик тажриба - бу биринчи навбатда, педагогнинг янгиликка томон узлуксиз изланиши, ўқитиш, тарбиялаш ва шахс ривожланиши сифатини оширишнинг йўллари ва педагогик воситаларини қўллашидан иборат.

Шу билан бирга, илғор педагогик тажриба-бу нафақат педагогик янгиланишдир. Илғор тажрибаларни ўрганишда анъанавий кенг қўлланиладиган ва ҳаётга систематик равишда тадбиқ этиладиган муҳим дидактик ва услубий омиллар хамда қоидаларни инкор қилиш ёки четлаб ўтиш керак эмас. Бундай тажрибалар кўп холларда юқори ўқув-тарбиявий ва ривожлантирувчи натижаларнинг асоси бўлади. Педагогнинг фаолияти, янги яратилмаган, лекин юқори натижаларга эришилган илғор педагогик тажрибани амалда қўллашда иборатдир.

Илғор тажрибани танлаб олиш ва аниқлашда энг муҳим унинг хусусиятларини аниқлаб, ўз педагогик амалиётида самарали қўллаш имкониятлари билан мослаштиришдан иборатдир.

Илғор педагогик тажрибанинг энг асосий кўрсаткичи – бу натижавийлигидир. Шуни таъкидлаш жоизки илғор тажриба - бу юқори натижаларга эришган аниқ бир кишининг тажрибасидир.

Педагогик тажрибани такрорлаш эмас балки унинг мазмун ва моҳиятини тушуниб, уни мустақил равишда амалда қўллаш керак. Яъни ғояни тушуниш ва уни реал имкониятлар доирасида мустақил қўллай олиш керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, педагогик тажрибани ўрганишда педагогик технологиялар ва усулларни асосини тушуниш муҳим аҳамиятга эга.

“Фақат ғоя қабул қилиб олиш керак, уни ўз аниқ имкониятлар доирасида мустақил ривожлантириш керак”.

“Илғор тажрибани ўз ишига механик тарзда олиб кўчирилиш” муваффақиятсизликни олиб келади.

Ҳар бир педагог кичик бўлса ҳам ўз тажрибасига эга бўлиш ва бошқа илғор тажрибани самарали татбиқ этиши лозим.

Қуйидаги тавсиялар асосида педагогик тажрибалар ўрганилиши ва қўлланилиши керак. 1.Тажрибанинг ўзини эмас, “тажрибадан келиб чиқадиган ғоя”ни татбиқ этиш лозим. Ғояни эса тажрибани ўрганувчига ажратиб ва асослаб тушунтириши керак.

2. Илғор педагогик тажрибани самарали ўрганиш учун юксак малакали педагогларнинг “очиқ” дарсларида иштирок этиш, дарс таҳлилларда иштирок этиш, педагогларни дарсни режалаштириш ва ташкил этиш тажрибаларини ва меъёрий ҳужжатларини ўрганиш, тажрибали ҳамкасблар билан суҳбатлар ўтказиш, юксак тажрибага эга бўлган педагоглар билан тайёрлаган илмий-педагогик ахборот

материаллари ва услубий тавсияларни, улар томонидан қўлланилаётган педагогик ва ахборот технологияларини ўрганиш тавсия этилади.

3. Юксак педагогик маҳоратга эга бўлган махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими устасининг илмий, услубий ва ижодий ишларини, шунингдек дидактик материалларини, дарс ишланмаларини ўрганиш тавсия этилади.

4. Махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан дарс жараёнида электрон таълим ресурсларини қўллаш тажрибаларини ўрганиш.

5. Ўқувчилар мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибаларни ўрганиш;

6. Илғор педагогик тажрибани ўрганишнинг асосий йўлларидан бири – бу тажрибали ишлаб чиқариш таълими устаси ёки махсус фан ўқитувчисининг дарсларида қатнашишдир. Дарсда педагогнинг имкониятлари, унинг машғулотлари тайёргарлиги, педагогик маҳорати, нутқ бойлиги ва маданияти, педагогик фаоллиги мужассамлашади.

Тажрибали ишлаб чиқариш таълими устасининг машғулотларида қуйидагиларни ўрганиш зарур:

- ўқувчининг эгаллайдиган касби учун ўтказилаётган дарснинг аҳамиятини тушунтириш, амалиётдан мисоллар келтириши, маҳсулот намуналарини кўрсатиши ва бошқалар;
- ўрганилаётган меҳнат турлари ва методларининг самарали намойиш этилиши, мураккаб меҳнат жараёнларини элементлари бўйича кўрсатиш, кўргазмали материаллар ва дидактик воситаларини қўллаш, объект ва жараёнларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириши ва англаб олинишини кузатиш;
- амалий машқларни бажариш ва машғулотларини ўтказиш учун ўқувчиларга инструктаж ўтказиш;
- ўқувчиларнинг амалларни бажаришини назорат қилиниши ташкил этиши; ўқувчиларга ў вақтида ёрдам кўрсатилиши ва маслаҳатлар бериш;
- ўқув ва ишлаб чиқариш амалларни бажаришда ўқувчиларни рағбатлантириши;
- ўқитиш жараёнини режалаштириш; ўқувчиларнинг ўз тажрибалари ва имкониятларига қараб топшириқларнинг қийинчиликлари ва мураккаблик даражаларини ўзгартириб туриш; “кучли” , “ўртача”, ва “суст” ўзлаштирадиган ўқувчилар характер ва хусусиятларини инобатга олиб уларга ўзаро ёрдамни ташкил қилиш;
- ўқувчиларнинг ўқув муваффақиятларини назорат қилиш ва баҳолаш; назоратнинг узлуксизлиги ва бажарилган ишларни

жорий назорат, топшириқлар ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, ўқувчиларнинг ўзаро назоратини ташкил қилиш ва бошқалар;
- ўқитувчининг педагогик маҳорати ва педагогик техникасини ўрганиш.

Махсус фанларига тааллуқли қуйидаги илғор тажрибаларни ўрганишда қуйидагилар тавсия этилади:
- ўқувчиларга дарс мақсадининг қўйилиши, ўқув материалини ўрганиш аҳамияти ва муҳимлигини тушунтириш;
- дастлабки муаммоли вазиятларни яратиш;
- ўқувчиларнинг билимларини фаоллаштириш, ўтган дарсларда ва ишлаб чиқариш машғулотларида олган билимларини фаоллаштириш;
- ўқувчилар бажарган уй вазифаларини текширишни ташкил қилиш услуби; текшириш пайтида гуруҳ ўқувчилари ҳамкорлик фаолиятини фаоллаштириш;
- янги ўқув материалини баён этиш методикаси: бунда ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини фаоллаштириш, ўқув материалини муаммоли баён этиш; эврестик суҳбат элементларини қўллаш, ўқувчиларга саволлар қўйиш; “тескари” амалга ошириш ва бошқалар;
- ўқувчиларнинг қизиқишини ва эътиборни ўрганилаётганга ўқув материалига қаратиш: ўқув материалини баён этишда ўқувчиларга эмоционал таъсир кўрсатиш, қизиқарли мисоллар ва далиллар келтириш;
- ўқувчиларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш: ўқув адабиётлари билан мустақил ишлар ташкил қилиш, карточка топшириқлар бериш, сонли ва сифатли масалаларни ечиш.
- ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш: ўқувчиларнинг имкониятларига мос бўлган мураккаблик даражаси бўйича турли хил топшириқларни бериш, сухбат даврида саволларнинг мураккаблик даражасини ўзгартириш. Ўзлаштириш паст бўлган ўқувчиларга ёрдам уюштириш, ўқувчиларнинг ўзаро текширишларини ва баҳолашларини ташкил қилиш;
- фанлараро ва фанлар ичидаги алоқаларни амалга ошиши: олдинги олган билим ва кўникмаларга таяниш, янги билимларни ўрганишга ўқувчиларни қизиқтириш, ўзаро боғлиқ фанлардан олган билимлар асосида қонуниятларини тушунтириш, турли фанлар бўйича ўрганиладиган қонун ва назарияларни ўзаро мувофиқлиштириш;
- дидактик воситаларни қўллаш методикаси. Дидактик воситаларни қўллашни ташкил қилиш, уларни ўқитиш методлари билан

мувофиқлаштириш, намойиш қилинадиган воситаларнинг ўқувчилар томонидан тушуниб олишларини назорат қилиш;

- ўқувчиларнинг уқув натижаларига эришишларини назорат қилиш ва бахолаш: узлуксизлик, тескари алоқа, бахолаш мезонлари, ўқувчилар билан бахоловчи мулоқотда бўлиш, бахоларнинг тўғрилиги ва обеъктивлиги ва бошқ.;
- ўқитувчининг педагогик маҳорати: ўқувчилар билан ўзаро муносабатлардаги педагогик техникаси, маҳорати ва ижодий қобилияти.

Тажрибали ўқитувчининг дарсларига қатнашиш унинг илғор тажрибасини ўрганишнинг асосий усулларидан бири сифатида тавсия этилади. Умумий таасурот олиш учун фақат дарсда бўлиш керак эмас. Мухими шундаки, дарсда иштирок этувчининг аниқ мақсади бўлиши керак ва уни аниқ ўрганиб, англаб олиб, кейин ўзи учун кераклисини олиши керак.

Яна шуни таъкидлаш жоизки махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари ўзаро машғулотларига киришлари муҳим аҳамиятга эга. Бундай ўзаро қатнашувлар педагогларга ўқув мақсадларини аниқ қўйишларига имкон беради, фанлараро алоқаларни, амалиёт ва назария билан ўртасидаги узвийликни амалга ошириш имконини беради.

Тажрибали педагогларнинг дарсларига қатнашиш қоида бўйича ҳамкасблар педагоглар (ишлаб чиқариш таълими усталари, ўқитувчилар) суҳбати билан тугатилади, суҳбат давомида ўтказилган машғулот тўғрисида фикрлар юритилади.

Илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва кенг қўллашнинг энг самарали усули-бу тажрибали педагогнинг “очиқ” дарсларни ўтказиш ва мухокама қилишдир. Бундай дарсни ўтказилиши ва унинг натижаларининг жамоавий муҳокама қилинади, услубий ечимлари хар томонлама тахлил қилинади. Бу ерда нафақат, балки хатолар ва камчиликлар кўрсатилади, балки тажрибанинг мухим ижобий томонлари тўғрисида умумийлаштирилган фикр (хулоса) ҳосил бўлади, ва ушбу тажрибани қўллаш методикаси кўриб чиқилади. Илғор тажрибани ўрганувчилар учун бундай мухокамалар унинг тажрибани чуқурроқ тушуниб олишга уни амалда қўллаш йўллари ва усулларини белгилаб олишга имкониятини яратади.

Педагогик тажрибанинг ўрганиши ва тарқатишнинг бошқа самарали шаклларидан бири бу таълим муассасасида “Илғор педагогик тажриба мактабини” ташкил этиш керак. Бундай мактабларда юқори малакали педагоглар (ўқитувчи ёки ишлаб чиқарини ўқитиш устаси) ўз тажрибасини ўзининг ёки атрофидаги бир неча ўқув юртлари педагог

ходимларига етказади (бўлинади). Ушбу “Тажриба мактаблари”нинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дарсларга ўзаро қатнашишларни ташкил этиш ва уни таҳлилини қилиш;
- ўқитиш жараёнини ташкил қилиниши ва уни ўтказиш методикасини мухокама қилиш;
- педагогик технологиялар ва фаол таълим методларини амалда қўллаш бўйича аниқ тавсиялар бериш;
- компьютерли ўқитиш технологияси бўйича тажриба алмаштириш;
- муаммоли дарсларни ўтказиш методикасини ўрганиш;
- таълим жараёнида замонавий дидактик воситалар ва электрон таълим ресурсларини қўллаш бўйича тажриба алмашиш;
- ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаларини ўрганиш ва тавсиялар бериш.

“Илғор педагогик тажриба мактабларини” ишини самарали ташкил этиш учун ижодий гуруҳларини тузиш шунингдек мактаб томондан конференциялар ва семинарлар ўтказиш, педагогик ўқишлар ташкил қилиш муҳим аҳамияттга эга.

Илғор педагогик тажрибани тарқатиш, эгаллаш ва амалда қўллашнинг асосий шаклларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- педагогик тажрибаларини қўллаш бўйича услубий тавсиялар, мақолалар, педагогик ахборотномалар орқали;
- муаммоли семинарлар,педагогик амалиётлар,педагогик ўқишлар ва бошқа тажриба тарқатишнинг бошқа оммавий шаклларини ўтказиш орқали;
- регионал ёки таълим муассасасидаги “Педагог мактаби” орқали;
- аниқ педагогик мавзуларда услубий ишларни ташкил қилиш орқали;
- услубий кўргазмаларни ташкил қилиш орқали:
- янги педагогик технологияларни ўзлаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш орқали.

Юқоридаги фикрлар ва тавсиялардан шундай хулоса қилиш мумкинки касб-ҳунар коллежлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва амалда татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.–Т.: Маънавият,2008.-173 б.

2. Баткина И.Б. Педагогическое мастерство преподавателя высшей школы как социальное явление. – Воронеж. 1996.

3.Кухарев Н.В. На пути к профессиональному соверству. – М., 1990.

4. Лобанова Н.Н., Косарев В.В., Крюгатов А.П. Профессиональная компетентность педагога. – Самара: СПб. 1997. С.3.

5. Н.А.Морева. Основы педагогического мастерства. Практикум. Москва. – Просвещение, 2006. 21-27 с.

6. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Педагогик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2007.

7. Қ. Т. Олимов, Б. М. Мирзахмедов, А. Х. Ғаффоров, Ҳ. Ҳ. Саидова. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, Фан, - 2007. 185 б.

8. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Касб таълим услубияти. Ўқув қўлланма. - «Молия».- 2006.

9. Основы педагогического мастерство. / Под.пед. И.А.Зязюка. – М., 1989. с.10.

10.Рашидов. Х.Ф., Хабиб Х, Елдашива Г. Касбий педагогика. – Т.: ЎМКХТТИМО, 2007. - 198 б.

11.Соатова Г., Олимов Қ.Т. Касб таълими ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш методикаси // Ж. Касб-ҳунар таълими. №3. 2010. 2-4 б.

12. Soatova G.Theoretical bases of optimization of material-capaciousness of fabrics in textile manufacture. Research Centre, Egypt. Is organizing its 6th International conference on April 5-7, 2009.

13. Соатова Г. Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг педагогик маҳоратини ривожлантиришда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллашнинг аҳамияти // Ж. Халқ таълими . №1-сон. 2010.

14. Соатова Г. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ва ижодкорлигини ривожлантиришнинг илмий педагогик асослари //Ж. Узлуксиз таълим. №1-сон. 2010.